

## АЛИШЕР НАВОЙНИНГ “СИРОЖ УЛ-МУСЛИМИН» АСАРИДА ТАҲОРАТНИНГ СУННАТЛАРИ БАЁНИ

Гулруҳ Кенжабой Мирзо қизи  
ТошДўТАУ I-курс докторанти

**Аннотатсия:** Ушбу мақолада Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асарида келтирилган таҳорат суннатлари ёритилади. Байтлар шарҳланиб, фикҳий мўтабар манбалар билан солиштирилади.

**Калит сўзлар:** суннат, басмала, вуду, мазмаза, истиншоқ, таҳлил.

**Abstract:** This article devoted to describe the sunnahs of ablution in Alisher Navoi's book named 'Siroj ul'muslimin'. Poetic verses were interpreted and compared to Islamic law books.

**Keywords:** Sunnah, basmala, wudu, madmadah, istinshaq, tahleel.

Ҳазрат Навоий ўз ижоди учун танлаган тил ўзбек тили бўлгани эътиборидан ўзбек шоири, ўзбек шеърияти мулкининг султони ҳисобланади. Аммо у кишининг асарларининг асл манбаларига назар солинса, уларнинг булоғини суриштирилса, “Навоий – буюк Ислом шоири” экани аниқ равшан бўлади. Шоирнинг обрўси шу қадар юқори эдики, хунармандлар ўз маҳсулотларининг бозоргир бўлиши учун Навоийнинг номи билан атар эдилар. Давлатшоҳ Самарқандий бежизга Алишер Навоийни “Мир Низомиддин”, яъни “диннинг қонуни” деб улуғламаган. Ҳазрат Навоийнинг деярли барча асарларида, хусусан, “Хамса” дostonларининг муқаддималарида Аллоҳга ҳамд, Пайғамбарга наът, муножот ва Расулulloҳ с.а.в мадҳининг мавжудлигиёқ бу фикрни тасдиқлайди. Алишер Навоийнинг тасаввуф, фикҳ, ақида борасида ёзган китоблари унинг шарият илmlларининг чуқур билимдони, назариётчиси сифатида намоён қилади. Хусусан, буюк олимнинг “Сирож ул-муслимин” (“Муслмонлар нури”) асари соф диний йўналишда бўлиб, ислом дини аҳкомларини ёритишга бағишланган. Асар маснавий шаклида ёзилган бўлиб, ҳажман 197 байтдан иборат. “Сирож ул-муслимин” ҳамд ва наът, китоб ёзилишининг сабаби, исломга оид фикҳий ва ақидавий масалалар шарҳи ва хотимани ўз ичига олади. Асарда “Басмала” ва “Китоб назмининг сабаби», бир қатор ақидавий масалалар баён этилганидан сўнг муаллиф фикҳий масалалар баёнига ўтади. Қуйида Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асарида келтирилган таҳоратнинг суннатлари масаласининг баёнини изоҳлар ёрдамида кўриб чиқамиз:

Таҳорат суннатларининг шарҳи:

Вузуъда ўн ики иш келди суннат,

Бирисин тасмия бил, бирни ният.

Биринчи байтдаги “вуду” сўзидан мурод “таҳорат” бўлиб, байтнинг маъноси “таҳоратда ўн икки ишни қилиш суннат бўлиб келди” дейилмоқда.

Иккинчи байтда эса уларнинг бири тасмия айтиш - яъни “Бисмиллаҳир роҳманир роҳим” ни айтиш, яна бири эса ният - яъни таҳорат қилишни ният қилиш экани баён қилинмоқда.

Ю(в)моғ уч қатла қўл тирсакка тегру,

Яна бир мазмаза уч қатла ҳам бу.

Ушбу байтда қўлни бўғимигача уч марта ювиш суннатлиги айtilган бўлса, кейинги байтда таҳоратнинг яна бир суннати – мазмаза яъни оғизни чайиш бўлиб, уни ҳам уч марта қилиш сунат экани айtilмоқда.

Чу бўлди мазмаза қилмоқ муқаррар, Бил истиншоҳ ҳам мундоқ муқаррар.

Ушбу байтда таҳоратнинг кейинги суннати- мазмазани уч марта такрорлаш суннат бўлганидек истиншоҳ ҳам суннат бўлиб, уни ҳам уч бора такрорланиши баён қилинган.

Яна таҳлил қилмоқ лиҳияға зам,

Оёғ бирла илик бармоғлари ҳам.

Ушбу байтда сақолларни таҳлил қилиш, яъни бармоқларни уларнинг орасига киритиб ҳилол қилиш суннат экани ва бармоқларни ҳам шундай таҳлил қилиш, яъни қўл ва оёқ бармоқларининг ҳам орасига бармоқларни киритиб таҳлил қилиш суннатлиги баён қилинмоқда.

Яна уч қатла аъзони ю(в)моқ бил,

Яна бошнинг тамомин масҳ қилгил.

Ушбу байтда эса, таҳоратда ювиш фарз бўлган ўринларни уч мартадан ювиш, яъни ювишни уч марта қилиш суннатлиги баён қилинган бўлиб, кейинги қаторда бошнинг (тўртдан бирига масҳ тортиш фарз бўлса,) ҳамма жойига масҳ тортиш суннатлиги айtilмоқда

Яна тартиб, яъни улча таҳрир,

Қилинди берма лек анга таҳйир.

Ушбу байтда таҳоратда аъзоларни кетма-кет ювишда таҳоратнинг тартибига риоя қилиб ювиш ҳам суннат экани айтилиб, мана шу тартибни ўзгартиришдан қайтарилмоқда.

Биров ул жумладин келди муволот,

Ю(в)моқ, яъни паёпай узвни бот-бот.

Ушбу байтда таҳоратда ювиладиган аъзоларнинг барчаси кетма-кет келган бўлиб, бу аъзоларни кетма-кет ювиш суннатлиги таъкидланмоқда. Таҳоратда аъзоларнинг ювилиш кетма-кетлиги тартиби Қуръони каримда, Моида сурасинг 6-оятида баён қилинган тартибда бўлади: Аллоҳ таоло: «Эй иймон келтирганлар, намозга турсанглар, юзингларни ювинглар ва қўлингларни тирсагигача (қўшиб) ювинглар ва бошингларга масҳ тортинглар ва оёғингларни тўпиғигача (қўшиб) ювинглар», деб айтган. (Моида сураси, 6-оят).

Ханафий фикҳининг энг мўтабар манбаларидан ҳисобланган “Мухтасар ул-виқоя»да таҳоратнинг суннатлари қуйидагича келтирилади:

“Тасмия ила бошлаш, уйкудан турган киши учун икки қўлини кафтигача уч маротаба ювиш, мисвок қилиш, оғзини ва бурнини ҳар гал янги сув ила ювиш, бармоқлар ва соқолни таҳлил қилиш, (ҳар аъзони) ювишни уч маротабадан қилиш, бутун бошга бир маротаба масҳ тортиш, икки қулоқни (бошга масҳ тортишдан) қолган сув ила масҳ қилиш, ният, тартиб, кетма-кетлик”.

Таҳорат намознинг калити бўлиб, бу ибодатларда покликка қаттиқ эътибор қилишни тақозо этади. Аллоҳ таоло бундай дея марҳамат қилади: “Албатта Аллоҳ тавба қилгувчиларни ва ўзларини мудом пок тутгувчиларни севади” (Бақара - 222). Ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Поклик иймоннинг ярмидир», деб айтганлар. (Бухорий ривояти).

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоийнинг “Сирож ул-муслимин” асари туркий тилда, содда тарзда баён қилиш хусусияти

билан бирга ўзининг долзарблиги, ислом дини аҳкомларини ўрганишнинг ноодатий назмий усулини таклиф қилиши туфайли ҳали ҳамон энг қимматли ва чуқур ўрганишни талаб қиладиган беқиёс асарлардан биридир.

### АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Алишер Навоий / “Сирож ул-муслимин”. –Т:Фан-2000
2. Имом Бухорий / “Олтин силсила”, 1-жуз. –Т:Ҳилол-нашр-2021
3. Убайдуллоҳ ибн Масъуд / “Мухтасарул виқоя”. –Т:Мовароун-наҳр-2010
4. Шайх Абдулазиз Мансур / “Қуръони Карим маънолари таржимаси ва тафсири”. –Т:ТИУ-2004
5. [www.khdavron.uz](http://www.khdavron.uz) “Siroju-l-muslimin”&Dilnavoz Yusupova. 10.05.2020.